

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил 27 октябрь куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди, **Бўка туман 19-сонли музыка мактаби биносида**, очик суд **сайёр** мажлисида,

Раислик қилувчи **Ш.Абдуқодиров**,

Судья ёрдамчиси Ш.Абдувалиевнинг котиблигида, тарафлардан Бўка туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Кенжаев, судланувчи Б.Б.нинг иштирокида,

Б.Б.га нисбатан 1-1105-2201/**169**-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Б.Б. – 19... йил 10 январда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2020 йил 7 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2020 йил 20 ноябрь кунидаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 11 ой 28 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга давлат даромади ҳисобига ойлик иш ҳақининг 15%ни ўтказиб бориш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2021 йил 25 июндаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 5 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, ... м.ф.й., ... кўчаси ..-уйда яшовчи, **айблов далолатномаси** нусхасини ўз вақтида олган, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида” тилхат эҳтиёт чораси қўлланган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Судланувчи Б.Б. маъмурий назорат қоидаларини бузиб, унга нисбатан 2021 йил 12 октябрдаги қарорига асосан 1 йил муддатга маъмурий назорат ўрнатилган ва профилактик ишлар олиб бориш учун профилактик йиғмажилди юритилган ҳамда маъмурий назорат қоидалари тушунтирилиб, огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун суд томонидан 2022 йил 12 сентябрь куни Б.Б.ни туман марказидаги “Саноатқурилишбанк” олдида соат 00:00да туман ИИБ ходимлари томонидан текширилган вақтида Б.Б. унга маъмурий назорат ўрнатилганлигини билиб, маъмурий назорат қоидаларини бузиб, спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланган.

2022 йил 12 сентябрь кунидаги Бўка тумани марказий шифохонаси томонидан берилган 542-сонли мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича баённомасида Б.Б.да мастлик ҳолати қайд этилганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи **Б.Б.** айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бўка тумани судининг 2020 йил 7 август кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилганлигини ЖКнинг 57-моддасига асосан 1 йил 6 ой муддага озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги, жиноят ишлари бўйича Бўка тумани суди томонидан 2021 йил 25 июндаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 5 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ўташдан муддатдан илгари шартли озод қилинганлигини, шундан сўнг 2022 йил 12 октябр куни унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди томонидан 1 йил муддатга, яъни 2021 йилнинг 12 октябр кунидан 2022 йилнинг 12 октябр кунига қадар маъмурий назорат ўрнатилганлиги ва уни ижро этиш Бўка тумани ИИБга юклатилганлигини, у Бўка тумани ИИБ ходимлари томонидан маъмурий назорат қоидалари билан тўлиқ таништирилганлигини, унда спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик, ИИБ рухсатисиз туман ҳудудидан бошқа жойларга чиқмаслик, ҳамда ҳар ойнинг 30 кунларида Бўка туман ИИБ биносига келиб, рўйхатдан ўтиб туришлиги ҳақида тўлиқ огоҳлантирилганлигини, у 2022 йил 12 сентябрь куни эрталаб турганлигини ва яшаш хонадонида ўз ишларини қилганлигини ва ишончнома орқали бошқариб келаётган “Жигули” автомашинасида таксичилик ишлари билан шуғулланганлигини, соат 16:00ларда яшаш хонадонига келганлигини ва яшаш хонадонидан отаси билан онаси ўз ишларини қилиб юришганлигини кўрганлигини, у ўзини яшаш хонадонини ремонт қилаётганлиги сабабли шу ишлар билан бир ўзи шуғулланганлигини, соат 21:00 да у ўзини ишларини қилиб бўлиб уларни тугатиб, маҳалласидаги дўконга чиққанлигини, дўкондан бир дона пиво ичимлигини олиб, яшаш хонадонига келганлигини ва яшаш хонадонидан спиртли ичимлигини истеъмол қилиб турган вақтида ўртоғи Абдухаёт унга телефон қилиб, унга уни олдига келишини ва яшаш хонадонидан бўлишини ва кўчага чиқишини айтганлигини, шундан сўнг у яшаш хонадонидан ўтирганлигини айтганлигини, соат 23:00да яшаш хонадонига ўртоғи Абдухаёт келганлигини ва у билан кўришганлигини,



шундан сўнг у ўртоғи Абдухаёт билан бирга Бўка тумани марказига чиққанлигини, туман маркази “Саноатқурилишбанк”ни олдида лаваш егани киришганлигини, ўртоғи Абдухаёт билан бирга ўша ерда ўтириб, лаваш истеъмол қилганлигини, лавашни еб бўлган вақтида кўча томонга чиққанлигини, у уйдан спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги сабабли ундан спиртли ичимликни ҳиди келиб турганлигини, шу вақт у кўчада Шахбозни кўриб қолганлигини ва улар билан бирга кўришганлигини, биров биз тортишиб қолганлигини, шундан сўнг соат 00:00да кўчада турган вақтида Бўка тумани ИИБ ходимлари келиб қолганлигини, шу вақти ундан нима қилиб юрганлигини сўраганида, унга маъмурий назоратда туришини, бу ерда нима қилиб юрганлигини сўраб, уни олдида келганлигини, шунда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги сабабли спиртли ичимликни ҳиди келиб турганлигини ва шу вақт ёнида бўлган болаларга холис бўлишини айтганлигини, уларга ҳуқуқ ва мавжбуриятларини тушунтиришганлигини ва улар рози бўлганлигини, уларни олдида у билан савол жавоб қилишганлигини, у Бўка тумани ИИБ ходимларига ҳақиқатдан ҳам спиртли ичимлик ичганлигини, ўша ерда ҳам айтганлигини, шундан сўнг Бўка тумани ИИБ ходимлари уни ичган ва ичмаганлигини текшириш учун Бўка тумани марказий касалхонага олиб келишганлигини, у мастлик ҳолатини текширишганлигини, текширув жараёнида у ўзи ичганлиги сабабли, унда мастлик ҳолати аниқланганлигини, шу ерда баённома расмийлаштириб беришганлигини ва Бўка тумани ИИБ ходимлари уни Бўка тумани ИИБга олиб келиб, ундан бўлган ҳолатлар юзасидан тушунтириш хатлари олишганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи **Б.Б.** айбига тўлиқ иқроп бўлса-да, унинг айби кўйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **А.И.** 2022 йил 12 сентябрь куни соат 22:00да иш жойидан яшаш хонадонига қараб ҳаракатланганлигини, шу вақт у ўртоғи Бахтиёрга телефон қилганлигини, ундан қаердалигини сўраганлигини ва унга яшаш хонадонига ўтирганлигини айтганлигини, унга Бўка тумани марказига чиқиб келиб, лаваш истеъмол қилиб келишларини айтган вақтида, у рози бўлганлигини у ўртоғи Бахтиёрга маъмурий назорат ўрнатилганлигини билишини, шундан сўнг у уни яшаш хонадонига келганлигини ва келган вақтида, Бахтиёр биров маст ҳолатда чиққанлигини ва унда спиртли ичимликни ҳиди келиб турганлигини ва шундан сўнг у ўртоғи Бахтиёр билан бирга Бўка тумани марказида жойлашган “Саноатқурилишбанк”ни олдидаги лаваш хонага келганлигини, лавашхонага келиб у билан бирга лаваш истеъмол қилганлигини, шундан сўнг ташқарига чиққанлигини ва соат 00:20да лаваш хонани олдида Шахбоз ўзини ўртоғи билан турганлигини кўриб қолганлигини ва улар билан биров тортишиб қолганлигини, лекин жанжал қилмаганлигини ва бир-бирларини ҳақорат ҳам қилмаганлигини, шу вақти кўчада хизмат олиб бораётган Бўка тумани ИИБ ходимлари



келиб қолганлигини ва уларни яшаш хонадонига боришини, бу ерда тўпланиб турмаслигини айтганлигини ва ўзлари уни ёнига келганлигини ва шундан сўнг ўртоғи Бахтиёрдан спиртли ичимликни ҳиди келиб турганлигини, шу вақти унга нима сабабдан спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, унга спиртли ичимлик истеъмол қилиш мумкин эмаслигини айтганлигини ва шу вақти ўртоғи ходимларга ҳақиқатдан ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини айтганлигини, шундан сўнг уни ёнида турган болаларни холис қилишганлигини ва ўртоғини мастлик ҳолатини текшириш учун марказий шифохонага олиб кетишганлигини, унга мастлик ҳолати аниқланганлигини, у билан ўтириб спиртли ичимлик истеъмол қилмаганлигини, у бир ўзи спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини баён қилиб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисида судланувчи ва бошқа тарафларнинг розилиги билан судга келмаган гувоҳ Д.Ў. ва Ш.Т.ларнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, судланувчи Б.Б.нинг ушбу жиноятларни содир этганликдаги айби билдирги (и.в.2-4), тушунтириш хатлари (и.в.5-8), мастлик ҳолатини аниқлаш тўғрисида баённома (и.в.9), далолатнома (и.в.10) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд, судланувчи Б.Б.нинг содир этилган жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми, яъни *“устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, Б.Б.га нисбатан жазо тайинлашда судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бўйдоқлигини, унинг шахсини, оилавий-моддий шароитини ЖК 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, мазкур жиноятни паст ниятларда содир этганини ЖК 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топади.

Суд, судланувчи Б.Б.га жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бўйдоқлигини, унинг шахсини, оилавий-моддий шароитини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган ЖК 226-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазо турини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.



Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд ҳукми қилади,

Ҳ У К М

Б.Б. - Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва базавий ҳисоблаш миқдорининг **10 (ўн) баравари** миқдорида, яъни **3.000.000 (уч миллион) сўм** жарима жазоси тайинлансин ва давлат даромадига ундирилсин.

Б.Б.га қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукми эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчи эса ҳукми нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида протест ёки шикоят билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Нусхаси аслига тўғри, судья:

Ш.Абдуқодиров

